

## Ўзбек Болалар Шеърлятида Қўлланган Фонографик Воситалар

*Дилафруз СОБИРОВА. PhD<sup>1</sup>*

**Аннотация:** Мақолада бадий асарларда график воситалардан фойдаланишнинг имконияти чексиз эканлиги, болалар адабиётида бу усулдан фойдаланишнинг хилма-хил ва фавқулдда кўринишлари учраши кўрсатилиб, улар қатор гуруҳларга ажратилган. Фонографик воситаларга муражаат этилган шеърлий асарлардан мисоллар келтирилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** болалар шеърляти, фонетик ситилистика, график воситалар, графопоэтизм.

Ёзув – болалар ҳаётида энг муҳим ўрин тутувчи ҳодисалардан биридир. Амалдаги алфавитни ўзлаштирмасдан туриб, уларнинг ижтимоийлашувини ташкил этиб бўлмайди. Болага ҳарфларни ҳис қилдириш, ҳар бир ҳарф остида сирли олам ётганлигини тушунтириш, ҳарфларнинг шаклидан тортиб то уларнинг сўз маъносини ҳосил қилишдаги иштирокигача англашиш, пировард натижада болага ҳарфларни ўргатиш, уни ёзиш ва ўқишга одатлантириш таълимнинг олий мақсадларидан биридир. Буни жуда яхши билган болалар ижодкорлари ўз асарларида график воситаларнинг актуаллашувини таъминлашга, график образлилик ва матннинг график ифодавийлигини юзага чиқаришга астойдил ҳаракат қилганлар.

Фонетик ситилистика бўйича эътиборга молик тадқиқот ишларини амалга оширган профессор С.Каримовнинг фикрича: *“Гарчи тил материал сифатида умумга тегишли бўлса-да, нутқда ундан фойдаланишнинг чексиз имкониятлари мавжуд. Сўзловчи шахси, унинг жамиятдаги мавқеи ҳамда нутқий вазият билан боғлиқ равишда тил материалларидан меъёрлар доирасида истаганча фойдаланиш мумкин”* [2. Б. 9]. Аммо *“...ёзма матнда тилнинг бутун товуш тизимига хос барча хусусиятларни, айниқса, интонация ва эстетик таъкидларнинг ҳаммасини тўлалигича ифодалаш имкони йўқ. Шунинг учун ҳам ёзма бадий матнда хилма-хил график воситаларга муражаат қилинади”* [1. Б. 274- 295].

Бизнингча, бадий асарларда график воситалардан фойдаланишнинг имконияти чегарасиз. Айниқса, болалар адабиётида бу усулдан фойдаланишнинг хилма-хил ва фавқулдда кўринишлари учрайди. Тўплаган материалларимиз асосида ўзбек болалар шеърлятида қўлланган график воситаларни қуйидаги гуруҳларга ажратдик.

1. Алоҳида олинган ҳарфни матн ичида катта ҳарф билан ёзиш ва шу орқали график поэтизмни ҳосил қилиш. Бу усул ёрдамида ўқувчилар ёзувида учрайдиган хатоликларнинг чиройли ечимини топишга интилиш кузатилади. Масалан, Т.Адашбоевнинг ушбу шеърига диққатимизни қаратайлик:

*Балки сизлар танимассиз,*

*Ўйинқароқ Парпини.*

*Илгари ҳеч айтолмасди,*

*Сўрасанг “Р” ҳарфини.*

*Ҳозир эса дўстлари ҳеч,*

*Мазах қилмас Парпини.*

<sup>1</sup> Андижон давлат университети



*Кўп машқ қилиб, ўрганди у,*

*Охири “Р” ҳарфини.* (Т.Адашбоев. “Р” ҳарфи”, 21-22 бетлар);

Баъзи бир шеърларда бош ҳарф остига яширинган сўзни, маънони топишга ундаш, даъват яширинган бўлади. Бу орқали ўқувчи топқирлик, мустақил фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш назарда тутилади. Масалан:

*Сузар эди уммонларда К.*

*И. кезарди қалин ўрмонда.*

*Т. иккита тош орасига*

*Кириб ухлар эди ёбонда.* (Абдурахмон Акбар. “Ғаройиб автобус”, 42бет)

Шоир бу ерда “К” ҳарфи орқали “*ки*т”, “И” ҳарфи орқали “*и*т”, “Т” ҳарфи орқали “*то*шбақа” тимсолларини яширган. Шеърда океан сўзи “*ки*т”га, ўрмон сўзи “*и*т”га, *тош* ва ёбон сўзлари “*тошбақа*”га ишора қилиб турганини топадилар.

Талантли ижодкор Кавсар Турдиеванинг “Дельфинлар мактаби”, “Ҳарфлар шеър ёзишгани ҳақида”, “Манман “Б”, “Ҳарфлар ўйини”, “Биз шунақа боламиз”, “Алифбода насихат”, “Д” ўхшайди Илҳомга” каби шеърларида бош ҳарфлар шаклидан фойдаланган ҳолда графикапоэтизмларнинг бетакрор намуналари яратилган.

Масалан:

*Д дирман, Д дирман,*

*Доим доно сўз дерман.*

*Менинг ёмонлигим йўқ,*

*Мени қўшиб урма дўқ;*

*Авал бекор юргандим,*

*Ҳозир ҳарфлар ўргандим.*

*Ҳарфлар нарсага ўхшар,*

*“О” думалоқ гўё шар,*

*“Н” ўхшайди нарвонга,*

*“Л” илинган жавонга,*

*“С” ўхшайди оққушга,*

*“В” қанот ёзган қушга,*

*“А” ўхшаб кетар томга,*

*“Д” ўхшайди Илҳомга;*

*“Ф” Фаҳм фаросат албат,*

*Энг фойдали фазилат.* (Кавсар Турдиева. “Сайланма”, 214-, 220-, 221- бетлар)

Бундай кучли таъсирга эга бўлган шеърлардан бири Анвар Обиджон қаламига мансуб. У “Алифбе”даги сурат бўйича” шеърда “Т” ҳарфи ҳақида шундай деб ёзади:

✓ *Нечанчида ўқийсиз?*

✓ *Биринчида.*

✓ *“Т” қанақа бўларкан?*

✓ *Ширин жуда.*



✓ Нега “Т”ни ширин деб, учинасиз?

✓ “Т” деса биз тарвузни тушунамиз. (Анвар Обиджон. “Кичкинтойлар қувончи”, 234-бет).

Ҳарфлар ҳақида ёзилган бундай сатрлар болаларнинг онгида тез қолади, уларнинг тасаввурларни бойитади, фикрлаш қобилиятларини ўстиришга яқиндан ёрдам беради.

2. Муайян сўздаги барча ҳарфларни бош ҳарф билан ёзиш. Бундай шеърларнинг мақсади ажратилган сўзни таъкидлаб кўрсатиш, талаффузи ва ёзилиши бир-бирига яқин бўлган сўзларни фарқлашга ўргатиш, унинг айтилиши ва ёзилиши бўйича болаларда аниқ тасаввурларни шакллантиришга қаратилган бўлади. Мазкур сўзларни шунчаки эмас, кўтаринкилик, алоҳида ҳис-туйғу билан талаффуз этиш лозимлиги кўриниб туради. Масалан:

*Рақамларнинг ёрдамида тўртта амал,*

*Дафтарингда ёзилгандек **КАРРА** бўлар.*

*Тегирмонда дон-дунларни тортиб кўрсанг,*

*Майдаланиб, ун бўлади, **ЗАРРА** бўлар.*

*Ким ўзарга пойга қўйсак, манзил сўнгги,*

*Чавондозни аниқловчи **МАРРА** бўлар.*

*Сабзавотнинг номлари ҳам турфа хилдир,*

*Бодирингнинг жайдариси **ТАРРА** бўлар.*

*Талай сўзнинг маъносини англаб етдинг,*

*Миришаб тутган таёқ эса **ДАРРА** бўлар.*

*Бу сўзлардан бош ҳарфини олиб қўйсак,*

*Дуродгорга бирмас, бешта **АРРА** бўлар.* (Т.Адашбоев. “Бешта арра”, 178- бет)

Кўриниб турибдики, шеърда бош ҳарфлар воситасида ўзига хос лингвистик манзара ҳосил қилинмоқда ва поэтизм юзага чиқарилмоқда. Т.Адашбоев шеърда ўзига хос сўз ўйинини ташкил эта олган. *Карра, зарра, марра, тарра, дарра* сўзларидаги биринчи ҳарфлар олиб ташланса, *арра* сўзининг қолишига ҳам ишора қилинмоқда.

3. Сарлавҳаларни ёки ҳар бир шеърнинг тугалланмасини бош ҳарфлар билан ёзиш. Бу усул Яхё Тоғанинг “Қарчиғайнинг жияни” номли тўпламида учрайди. Шоир айрим сўзларни таъкидлаш, эса сақлаб қолишга даъват этиш мақсадида “Мевалар шеваси”, “Савзавот сайли”, “Жонзотлар маконида” деб номланган туркум шеърларининг ҳар бирида юқоридаги усулдан унумли фойдаланган. Масалан: *Таом пишиб-пишмаёқ, Осилмасин қош-қовоқ. Бу эти-ю уруги, Ғиж-ғиж фойда ОШҚОВОҚ.* (Яхё Тоға. “Қарчиғайнинг жияни”, 13-бет)

4. Алоҳида ҳарфни ва сўзларнинг биринчи ҳарфларини битта матн ичида бош ҳарфлар билан ёзиш. Бундай усул график таъсирдан ташқари ташқари таълимий характерга эга эканлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

График поэтизмнинг мазкур кўринишидан истиснодли шоир Дилшод Ражаб унумли фойдаланган. Унинг айрим шеърлари бошдан-оёқ ҳарфий поэтизмларга тўла. Масалан:

*“Нина”га “-чи”ни қўшдим,*

*Учиб кетди пириллаб.*

*“Кит”дан “к”ни олудим,*

*Жаҳл қилди ириллаб.*

*“Тош”ни ташлаб тошбақа,*

*Тилга кирди “қуриллаб”.*



“Бўр” билан “и”ни ёздим,

*Қочинг энди зириллаб.* (Дилшод Ражаб. “Ҳарфларга ҳазил(лашма)”, 62-бет)

Шеърда ўзига хос қочиримлар билан бирга бошқотирма ҳам яширинган, ҳарфларнинг бир-бирига қўшилиши, ажралиши остида “ниначи”, “ит”, “бақа”, “бўри” сўзлари келтириб чиқарилганки, бу орқали болаларни ижодийликка ундайдиган, уларнинг завқини оширадиган мисралар яратилган.

5. Ҳарфлар орасига чизикча қўйиш. Бу усул ёрдамида реал ҳолат, сўзловчининг ички кечинмалари, ҳис-туйғулари, эмоцияси тасвирланган. Масалан: *Навбат ҳуснихатларга, Ёзув “Ло-о-л-а, о-ш” бўлди. Поезд изи дафтарга, Ҳарфлар бошма-бош бўлди.* (Т.Адашбоев “Ўн икки вақли дафтар”, 107-бет)

6. Талаффуз жиҳатидан бир-бирига яқин ҳарфларни алмаштириб қўллаш. Бу усул ўзининг эмоционал-экспрессив жиҳатдан бўёқдорлиги, бадиий жиҳатдан бетакрорлиги, поэтизмга бойлиги билан ажралиб туради. Шу боис, Анвар Обиджон, Т.Адашбов, Дилшод Ражаб сингари истеъдодли болалар ижодкорлари томонидан кўп қўлланган. Масалан:

“Арра”, “Карра” сўзларини,

*Бурро айтар Ботир укам.*

“Ш” билан “Ч” ҳарфларига,

*Бир оз тили келмаётир.*

*Пишлоқ едим қишлоқда,*

*Шермат юрар “Чайка”да.*

*Пислоқ едим қислоқда,*

*Сермат юрар “Сайка”да.* (Т.Адашбоев. “Р” ҳарфи”, 63-бет).

7. Бир нечта фонографик воситалардан комплекс фойдаланиш. Бу усулда матн ичида ҳарфлар ва сўзлар бош ҳарф билан ёзилади, бир вақтнинг ўзида ҳарфлар орттирилади ёки тушириб қолдирилади. Сўзларни бўғин, товуш таркиби билан таққослаш, бир бўғинни иккинчи бир бўғин билан ёки бир ҳарфни иккинчи бир ҳарф билан алмаштириш, берилган сўзга бўғин ёки ҳарфни қўйиш – буларнинг барчаси болани ўқишга ўргатиш ишининг ажралмас қисми бўлиб қолиши керак [4. Б. 18].

График поэтизмнинг бу каби гўзал намуналарини Т.Адашбоевнинг “Бешта арра”, “Чумчуқларга уядир”, “Фарқи битта ҳарфда”, Дилшод Ражабнинг “Битта ҳарф олинса”, “Ҳарфларга ҳазил(лашма)”, “Эҳтиёт шарт”, “Ёзув ёвуз бўлмасин” каби шеърларида учратамиз. Масалан:

*Ашраф ака АНОР сўйди,*

*Анормисан, анор дейсиз.*

*Ҳар донаси гавҳар мисол,*

*Ялт-юлт этар ФАНОР дейсиз.*

“Ф”ни “Қ” га алмаштирак,

*Пахта тўла ҚАНОР бўлди.*

*Икки ҳарфни олувдик,*

*Қўш ўрқачли НОР бўлди.*

*Болакайлар, билиб қўйинг.*

*НОР дегани туядир.*

“Т” ҳарфини қисқартирак,



*Чумчуқларга УЯдир.* (Т.Адашбоев. “Осмондаги дарвоза”, 178-179- бетлар)

8. Ҳарфларни “гапиртириш” усули. Ўқувчиларнинг ҳарфларга бўлган нотўғри муносабати, айрим ҳарфларнинг хунук, кинғир-қийшиқ ёзилиши ҳарфлар тилига кўчирилган, ҳарфларнинг “арз-доди” воситасида реал ҳолат эмоционал-экспрессив бўёқ билан чизиб берилган. Масалан, Х.Комилов “Ҳарфлар суҳбати” шеърини график поэтизмнинг энг ёрқин намунаси дейиш мумкин.

✓ *Боролмайман, – деди “А”,*

✓ *Қолмай яна балога.*

*“Б”хон сўради: – Нега?*

✓ *Ўхшар эмишман “О”га.*

*“Ҳ” норози Зухрадан,*

✓ *Букри қилиб ёзади.*

*Ўз-ўзимга ойнадан,*

*Боқсам, кўнглим озади.* (Х.Комилов. “Мазали китоб”, 41-бет)

Ҳарфларни “гапиртириш” орқали поэтик қочиримнинг гўзал намунасини Х.Комилов шеърларида учратамиз:

*“Қ” тўкади ҳасратин,*

✓ *Қандай қилиб яшайман?*

*Томоша қилинг афтим,*

*Хунук “Г” га ўхшайман.* (Х.Комилов. “Мазали китоб”, 31- бет);

9. Кўп нуқтадан фойдаланиш. Ўқувчиларни топқирликка, фикрлашга ўргатиш мақсадида болалар шоирлари ўз шеърларида қаторлашиб келган нуқталардан ҳам поэтик мақсадда фойдаланишган. Буни Абдурахмон Акбарнинг “Аълочилар”, “Садиржоннинг каптари”, “Тиши йўқ-да”, “Раққоса”, “Мавлуда ва Оймомо”, “Орзу”, “Кичкина чавандоз” шеърларида учратиш мумкин. Шоир “Маъсуда ва Оймомо” шеърида шундай деб ёзади:

*Кўкда тўлин Ой.....*

*Сузар экан осуда.*

*Ўй га тўлар кўзларин,*

*Пирпиратиб.....* (Абдурахмон Акбар. “Уйқучининг тушлари”, 24-бет)

Ўқувчилар нуқталар ўрнига “момо” ва “Маъсуда” сўзларини қўйишлари лозим. Шунда шоир шеърда назарда тутган график поэтизмни юзага чиқади. Абдурахмон Акбар унга қўшимча равишда сўз ўйинидан ҳам фойдаланмоқда.

10. Ҳарфлар тартибидан фойдаланиш. Маълумки, мактабда битта синф бир нечта бўлса, уларга нисбатан “а”, “б”, “в” ҳарфлари қўлланади. Болаларга аталган шеърларда ушбу тартиб кўп учрайди. Масалан:

*Олти “б”лар бу сафар,*

*Нок ўтқазииди буткул.*

*Биз бўлсак йўл четиға,*

*Экиб чиқдик нуқул ПУЛ.* (Абдурахмон Акбар. “Уйқучининг тушлари”, 36-бет)

11. Ҳарфлар ўрнига рақамлардан фойдаланиш. Болалар ижодкорлари мустақиллик йилларида графопоэтизмларнинг янгича шакллари йўлаб топди. Улар ўз шеърлятида бадий



таъсирчанликни, ифодавийликни таъминлаш мақсадида рақамлар ва ҳарфларнинг график шаклларида ҳам унумли фойдаландилар. Биз буни Абдурахмон Акбар ижодида кузатишимиз мумкин. Шоир ўзининг “Рақамли шеърлар” деб номланган туркумига кирган “Туш”, “Учқунжоннинг тойчоғи”, “Ҳамма биладиган ҳақиқат”, “Хавотирлик”, “Сўнгги огоҳлантириш”, “Мингоёқнинг Хўтиквойга дегани”, “Орзули дунё”, “Тўқсонбобо” каби шеърларида ҳарфлар ва рақамлар ва ҳарфларнинг **“1” (бир):** *1он (бирон), тад1 (тадбир), 1дан (бирдан), 1ов (биров), гум1лаб (гумбирлаб)* **“2” (икки):** *2овлон (икковлон), 2ланмай (иккиланмай); “3” (уч):* *3қун (учқун), дов3ча (довучча); “1”, “2”, “3”, “5”, “10”, “100”, “10000”* қоришмали шаклларида фойдаланиб болалар шеърларининг ўзига хос намуналарини яратган.

Бундай график воситалар болаларни ўйлашга мажбур этади. Улардаги визуаллик, топқирлик фазилатларининг тараққий этишига кўмаклашади. Мана шу кизиқишнинг ўзи шеърда график поэтизмнинг таъминлаб беради.

12. “Қизикарли грамматика” усулидан фойдаланиш. Бу усул она тилини, унинг қонун-қоидаларини назарий ва амалий жиҳатдан пухта ўрганиб олишга ёрдам беради. Бунда сўзни ҳар икки томондан ўқисангиз ҳам бир хил шаклга эга бўлиши эътиборга олинади ва ўқувчиларни топқирликка, фикрлашга йўналтирилгани билан эътиборлидир. Масалан:

*“Кўй”ни терс ўқисанг,*

*“Йўқ” бўлиб қолар.*

*“Зог” бирдан “гоз” бўлиб,*

*Ғўддайтиб қолар.* (Дилшод Ражаб. Тескари ўқиганда”, 61-бет).

13. Болалар шоирлари кашф қилган график воситалардан яна бири ҳарфларни муайян нарсалар шаклига ўхшатиш усулидир. Масалан, Дилшод Ражаб “Мусаввирнинг шеърлари” деб номланган туркум шеърларида мазкур усулдан кенг фойдаланишга уринган.

*Шунча ерни ағдариб,*

*Ўтирмасдан яна кўр.*

*Ишлайман, деб БЕЛКУРАК,*

*Тикка турар, ана кўр!*

*Ишлайман, деб Б*

*Э*

*Л*

*К*

*У*

*Р*

*А*

*Т И К К А*

*У Н*

*Р А*

*А К*

*РЎ*

Эътибор қилинса, “белкурак тикка турар, ана кўр” бирикмаси белкурак шаклида ёзилган. Шоир “турник турар кериб оёгин”, “кўтарма кран”, “оппоқ ойна юзида қат-қат чанг, ана кўринг”,



“оппоқ қалпоқ”, копток” лексик бирликларини турник, кран, тошойна, қалпоқ, копток кўринишидаги ўзига хос график тасвирларини яратган.

Бу каби усулларни болалар шеърлятида олдин мутлақо учрамаган янги график поэтизмлар сифатида қабул қилиш мумкин.

Демак, болалар адабиётида график воситалардан фойдаланиш ўқувчиларда имло қоидалари бўйича ҳосил қилинган билим ва малакаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади, уларни фикрлашга ўргатади. Бу эса уларда тил ва нутқ компетенцияларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

### Адабиётлар

1. Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка. – Ленинград: Просвещение, 1973.
2. Каримов С. Ўзбек тилининг фонетик стилистикаси. – Самарқанд: СамДУ нашриёти, 2016.
3. Маматов А.Э. Нутқ маданияти ва тил нормасига оид терминлар ва тушунчалар изоҳи. – Тошкент: Баёз МЧЖ матбаа корхонаси, 2014.
4. Shodiyeva Q. Kichkintoylarni o‘qish va yozishga o‘rgatish. Toshkent: O‘qituvchi, 2002.

